

57-боб. Яҳудийми, насронийми, мажусийми яхшилиқ қилиш керак



15:45 / 28.08.2019 2811

Ибн Умардан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Менга Жаброил қўшни хусусида тавсия бераверганидан уни меросхўр қилиб қўярмикан, деб ўйлаб қолдим», дедилар».

Шарҳ: Бу [ҳадис](#) ҳам Жаброил алайҳиссаломнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қўшнининг ҳаққи ҳақида васият қилгани ҳақида бироз аввалроқ Оиша онамиз розияллоҳу анҳодан ривоят қилинган ҳадисни такрорлаб келган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Менга Жаброил қўшни хусусида тавсия бераверганидан уни меросхўр қилиб қўярмикан, деб ўйлаб қолдим», деганларини эшитдим».

Шарҳ: Бу ҳадис ҳам Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинган бўлиб, Жаброил алайҳиссалом Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қўшнининг ҳаққи ҳақида васият қилганларини баён этган ҳадисни такрорлаб келган.

«Одоблар хазинаси» китобидан